

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УКТАМОВ ХУСНИДДИН ФАХРИДДИНОВИЧ

**КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Уктамов Хусниддин Фахриддинович

Кимё саноати корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш..... 3

Уктамов Хусниддин Фахриддинович

Совершенствование практики обеспечения финансово-экономической устойчивости предприятий химической промышленности..... 27

Uktamov Khusniddin Fakhriddinovich

Improving the practice of ensuring the financial and economic stability of chemical enterprises 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УКТАМОВ ХУСНИДДИН ФАХРИДДИНОВИЧ

**КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2022.1.PhD/Iqt1766 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ifmr.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Бурханов Ақтам Усманович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Муратова Шохиста Нигматуллаевна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Атаниязов Жасурбек Ҳамидович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019 I.16.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш 2022 йил «4» Апрел соат 11:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан руйхатга олинган). Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» Июль куни тарқатилди.
(2022 йил «18» Июль даги 1 -рақамли реестр баённомаси)



[Signature]
Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

[Signature]
Б.Т. Бердияров
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

[Signature]
Б.Т. Салимов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё ва нефть-кимё маҳсулотларидан фойдаланиш оммалашгани, уларни ишлаб чиқариш оммавий технологияларининг кенг тарқалиши, умуман, кимё мажмуаси, хусусан, кимё саноатининг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари ва янги материаллардан фойдаланиш кенг тарқалиши туфайли жаҳон «иктисодиётини кимёлаштириш тенденцияси давом этиб, 2030 йилга келиб, дунёда аҳоли жон бошига полимер маҳсулотларининг солиштирама истеъмоли ошиши кутилмоқда, бу эса истеъмолнинг киши бошига 2013 йилдаги 61 АҚШ доллари ўрнига 128 АҚШ долларигача ошишига олиб келади»¹. Бу эса ўз навбатида, кимё саноати корхоналари сони ошиши ва мазкур тармоқда фаолият юритаётган корхоналар салоҳияти кенгайишига олиб келади.

Жаҳонда кимё саноати ривожланган давлатларда мазкур тармоқда ресурс ва энергия тежаш технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда геология-қидирув ишлари харажатларини камайтириш; маҳсулот ассортиментини кенгайтириш ва таннархини пасайтириш; замонавий миллий кимё саноатини шакллантириш мақсадида институционал, ҳуқуқий ва инвестицион муҳит яратиш, кимё саноати корхоналарини иқтисодий рағбатлантириш, кимё тармоғини модернизациялаш, бошқариш тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш сингари йўналишларда кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини замонавий ёндашувлар асосида таъминлашнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб илмий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти, жумладан, кимё саноати корхоналарининг жаҳондаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш» вазифалари белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини ошириш юзасидан ички имкониятини комплекс ривожлантириш, моддий-техник базасини тубдан янгилаш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, кимё саноати маҳсулоти ассортиментини кенгайтириш ва таннархини пасайтириш, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш йўналишларида кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилиб, кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигини замонавий ёндашувлар асосида таъминлашнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб илмий йўналишларидан бири ҳисобланади.

¹ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_193832/b029464b9c6d012f5fe94fc0a93f5dcc21b0cda8

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»га қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масалалари хорижий олимлардан Д.Линк, Ф.Давид, Шамели-Сенди, Д.Г.Баур, Н.Н.Счулзе, Ю.М.Сулежанова, Р.Персиун, А.Стратан, А.Тимуш, Э.В.Будумжан, В.В.Мокеев ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган².

МДХ олимларидан Е.В.Макарова, С.Н.Бобылев, С.Н.Кукушкин, Н.А.Львова, А.П.Добровинский, А.Б.Лачихина, А.А.Петраков ва бошқалар молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг макроиқтисодий жиҳатларини алоҳида тадқиқ этиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш масаласига асосий омил сифатида илмий ёндашганлар³.

Ўзбекистонда эса корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлигини

² Link, David F., et al. "Management techniques for non-traditional network and information system topologies". U.S. Patent No. 9,537,731. 3 Jan. 2017.; Shameli-Sendi, Alireza, Rouzbeh Aghababaei-Barzegar, and Mohamed Cheriet. "Taxonomy of information security risk assessment (ISRA)". Computers & security 57 (2016): 14-30.; C.T. Albuлесcu, Financial stability and monetary policy: A reduced form model for the euro area, Romanian Journal of Economic Forecasting.(2013) 62–81.; D.G. Baur, N.N. Schulze, Financial market stability, A test. Journal of International Financial Markets, Institutions and Money. 19(3) (2009) 506–519; Yu.M. Sulejmanova, Management of Economic Stability of an Enterprise in the Process of its Innovative Development, Journal of Creative Economy. (2013) 89–95.; R. Perciun, A. Stratan, A. Timush, The methodology of financial stability assessment of Republic of Moldova through macroeconomic indicators, Procedia Economics and Finance. (2014) 383–392.; E.V. Budumjan, Development of innovative and investment processes as objective need of modernization of industrial manufacture, Scientific works of Free economic society of Russia. (2011) 75–80.; V.V. Mokeev, On enterprise performance evaluation based on the method of eigenstates, Automatic Documentation and Mathematical Linguistics. 48(5) (2014) 235–245.

³ Макарова Е.В. Специфика устойчивости экономической системы региона. // Материалы III международной научно-практической конференции «Проблемы социально-экономической устойчивости региона». – Пенза: РИО ПГСХА, 2006.; Бобылев С.Н., Гирусев Э.В., Перелет Р.А. Экономика устойчивого развития: учебное пособие. – М.: Изд-во «Ступени», 2004. -С. 303.; Кукушкин С.Н. Антикризисное управление. – Ульяновск: УлГТУ, 2000.; Львова Н.А. Финансовая стабильность предприятий: методология фундаментальных и прикладных исследований. Дис. ... доктора экон. наук. – Санкт-Петербург, 2016.; Добровинский А.П. Антикризисное управление организацией: учебное пособие; Национальный исследовательский Томский политехнический университет. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2013.; Лачихина А.Б., Петраков А.А. Подходы и методы управления информационной безопасностью в процессе управления промышленным предприятием. // Вопросы радиоэлектроники, 2017. - №. 11. – С. 48-51.

таъминлашнинг айрим назарий ва услубий асослари маҳаллий иқтисодчи олимлардан Н.М.Махмудов, М.А.Икрамов, Р.И.Нуримбетов, С.И.Аҳмедов, А.У.Бурханов, Э.Х.Махмудов, Ш.Н.Муратова, А.М.Кадиров З.Н.Қурбанов, Ф.И.Исаев ва бошқаларнинг асарларида кенг ёритилган⁴.

Юқорида қайд этилган муаллифларнинг илмий ишларида кимё саноати корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш амалиётини ўрганишга етарли даражада эътибор берилмаган. Шу сабабли, иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари ҳисобланган кимё саноати корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш амалиётини чуқурроқ ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-2-40-сонли «Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожланишининг институционал механизмларини такомиллаштириш» (2016–2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кимё саноати корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлиги тушунчасига нисбатан илмий-назарий тадқиқ этишнинг мавжуд методологик асосларини ўрганиш ва ривожлантириш;

корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлигини баҳолаш усуллари бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида уларни қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон кимё саноатининг ривожланиш динамикаси ва ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлил қилиш;

кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолаш ва уни таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

⁴ Махмудов Н.М. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш-барқарор иқтисодий ўсишни муҳим шарт. // Иқтисодиёт ва таълим. 2-сон. 2017. 7-11-бет.; Икрамов М.А. Тенденции развития политики внешнеэкономической деятельности // <http://www.novapdf.com>.; Nurimbetov R.I., Ahmedov S.I. Ishlab chiqarish menejmenti. O'quv qo'llanma. – Т.: Talqin, 2008. – 112 бет.; Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт. Монография. – Тошкент: «Инновацион ривожланиш» нашриёт-матбаа уйи, 2019. -160 б.; Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004. - 208 бет.; Муратова Ш.Н. Саноат тармоқлари маҳсулотларининг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлаш услубиятини такомиллаштириш («Ўзбекқўмир» АЖ мисолида) и.ф.д. (DSc) ил. дар. олиш учун автореф. – Т., 2021. -81 б.; Кадиров А.М. Саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш («Андижоннефт» АЖ мисолида) и.ф.н. (Ph.D) ил. дар. олиш учун тайёрланган диссер. – Т., 2019 й.; Қурбанов З.Н., Исаев Ф.И. Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 1-сон, январь-февраль, 2017 йил. 1-8-бетлар.

кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлиги бўйича юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни асослаш;

кимё саноати корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш модели бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон саноат корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ҳамда истикболли йўналишларни белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзкимёсаноат” таркибидаги «Навоиазот» АЖ ва «Фарғонаазот» АЖ корхоналари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини кимё саноат корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тизимли ва комплекс ёндашув, функционал ёндашув, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, классификациялаш, сабаб-оқибат таҳлили, иқтисодий-статистик таҳлил, қиёсий ва динамик таҳлил, эксперт баҳолаш, аналогия усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кимё саноати корхоналарининг корпоратив молиявий-иқтисодий диагностикасида иқтисодий хавфсизликни интеграл кўрсаткичининг баҳолаш шкаласи: “таҳликали - 0 дан 0,40 гача”, “паст - 0,40 дан 0,69 гача”, “ўртача - 0,70 дан 1,0 гача”, “юқори - 1,1 дан катта” таклиф этилган;

кимё корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун бошқарув тузилмасига “Иқтисодий хавфсизлик бўлими”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

кимё саноати тармоғига давлат аралашувини камайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишда корхоналарининг устав капиталида давлат улушини 20%дан оширмаслик таклиф этилган;

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарида микротизимни жорий этиш, интеграл кўрсаткичларни реал вақт мобайнида баҳолашнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига таъсирининг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлиги тушунчасига илмий-назарий ёндашувлар тизимлаштирилган;

саноат корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, уларни татбиқ этиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда кимё саноати молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, корхоналар иқтисодий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар эконометрик таҳлиллар асосида аниқланган;

кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўзбекистон кимё саноати корхоналари фаолиятини ўрганишда қўлланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш йўллари ва соҳани ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, олий ўқув юртларида соҳага оид фанлар, хусусан, «Саноат иқтисодиёти», «Корхона иқтисодиёти», «Иқтисодий хавфсизлик» йўналишларида мутахассислар тайёрлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда бошқа амалий материалларни тайёрлашда илмий манба сифатида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кимё саноати корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кимё саноати корхоналарининг корпоратив молиявий-иқтисодий диагностикасида иқтисодий хавфсизликни интеграл кўрсаткичининг баҳолаш шкаласи: “таҳликали - 0 дан 0,40 гача”, “паст - 0,40 дан 0,69 гача”, “ўртача - 0,70 дан 1,0 гача”, “юқори - 1,1 дан катта” таклифи Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига 2021 йил 105-сон буйруғи билан жорий этилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 2 июлдаги 03-2450-сон маълумотномаси). Натижада «Фарғоназот» АЖ ҳамда «Навоиазот» АЖда иқтисодий барқарорлик даражаси баҳоланган ҳамда унга хавф солувчи ички таҳдидлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

кимё корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун бошқарув тузилмасига “Иқтисодий хавфсизлик бўлими”ни ташкил этиш таклифи Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига 2021 йил 105-сон буйруғи билан жорий этилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 2 июлдаги 03-2450-сон маълумотномаси). Стратегияни тадбиқ этиш натижасида «Навоиазот» АЖда 2020 йилда «Фарғоназот» АЖда жорий давр фойдаси ўтган йилга нисбатан 28,1 фоизга ошиб, 158 178 минг сўмни ташкил этган. 2020 йилда «Фарғоназот» АЖда жорий давр фойдаси ўтган йилга нисбатан 19,7 фоизга ошиб, 114 012 минг сўмни ташкил этган;

кимё саноати тармоғига давлат аралашувини камайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишда корхоналарининг устав капиталида давлат улушини 20%дан оширмаслик таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига киритилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 2 июлдаги 03-2450-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида 2021 йилда «Навоиазот» АЖда давлат улуши 17,2%ни, «Фарғоназот» АЖда 18,7 % бўлиши белгилаб олинди;

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарида микротизимни жорий этиш, интеграл кўрсаткичларни реал вақт мобайнида баҳолашнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига тасирининг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистонда 2035 йилгача кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурига киритилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 2 июлдаги 03-2450 сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Ўзбекистонда 2035 йилгача кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли параметрларига тузатишлари киритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган ва хўжалик юритувчи субъектлар амалиётига жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган журналларда 7 та мақола (жумладан, 4 та республика, 3 та хорижий журналларда ҳамда хорижий мақолага тенглаштирилган халқаро конференция тўпламида 1 та мақола), 7 та маъруза тезиси конференция материалларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, таклиф ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлигини**

таъминлашнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида иқтисодий барқарорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва назарий жиҳатлари, илғор хорижий тажриба ва ундан фойдаланиш масалалари, корхоналар иқтисодий барқарорлигини баҳолаш усуллари, корхоналар иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ўрганилган, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар тизимлаштирилган.

Муаллифнинг фикрича, «молиявий-иқтисодий барқарорлик» тушунчаси саноат корхоналари нуқтаи назардан, илмий ёндашув сифатида доимо олим ва амалиётчилар қўллайдиган тушунчаларни тизимлаштиришдан бошланади. Корхона барқарорлигининг замонавий ёндашувлари А.Вальд, Л.Вальрас, П.Самуэльсон, А.А.Богданов, В.С.Раппопорт ва бошқа олимларнинг илмий ишлари асосида шаклланди. Хусусан, А.Вальд, Л.Вальрас, П.Самуэльсон, Дж.Р.Хикс ва бошқалар илк бор «барқарорлик» тушунчасини иқтисодий тизимлар нуқтаи назардан ўрганиб чиққанлар. Барқарорлик соҳасидаги асосий натижалар улар томонидан бозор мувозанати ва уларга эришиш шароитини ўрганиш натижасида олинган.

Кимё саноати молиявий-иқтисодий барқарорлигининг назарий асослари ва ижтимоий-иқтисодий моҳиятини кенг ёритиб беришда мазкур соҳада илмий изланишлар олиб борган маҳаллий ва хорижий олимларнинг ёндашувлари ва улар томонидан берилган таърифларга асосланган ҳолда, кимё саноати корхонасининг молиявий-иқтисодий барқарорлиги корхонанинг стратегик ва тактик даврда ички ва ташқи омилларни эътиборга олган ҳолда рентабеллиги ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш қобилиятидир.

Жаҳондаги мавжуд усул ва ёндашувлар таҳлилларига асосланиб, кимё саноати корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кимё саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолаш услубиятини молиявий, ишлаб чиқариш, технологик, маркетинг ва ташкилий мезонлар уйғунлигида такомиллаштириш таклифи этилган.

Муаллифнинг фикрича, кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигини махсус мезонлар тизими асосида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолашда иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари (0,4), ишлаб чиқариш барқарорлиги кўрсаткичлари (0,2), кадрлар салоҳияти кўрсаткичлари (0,2), техник-технологик барқарорлик кўрсаткичлари (0,1) ва рақобатбардошлик (0,1) кўрсаткичларини тегишли вазн қийматлари иқтисодий барқарорлигининг хусусий коэффициентлари қийматига кўпайтириш асосида ҳисоблаш таклифи этилган.

Иқтисодий барқарорлик даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаш таклифи этилган:

$$I_b = \sqrt[5]{0,4I_{x_k} * 0,2I_{sh_b} * 0,2Ks_q * 0,1TB_k * 0,1RB_k}$$

Тадқиқотчининг фикрича, саноат корхоналарининг ҳақиқатдаги кўрсаткичлари ўзгаришини баҳолаш билан бир қаторда динамик ўзгаришларга

муайян чегараларни бегилаш мумкин бўлган иқтисодий устуворликни баҳолаш усулини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

$$K = \sum_{i=1}^N W_i K_i, \quad (1)$$

бу ерда: K_i – корхона иқтисодий барқарорлигининг хусусий коэффициентлари;

W_i – коэффициентларнинг умумий суммадаги вазни.

Кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигини ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, тармоқлар бўйича ўртача геометрик кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда баҳолаш лозим. Чунки ҳар бир тармоқ корхонасига ички ва ташқи омиллар ўзига хос таъсир кўрсатади, бу эса, математик ҳисоб-китобни амалга оширишда ноаниқликларни келтириб чиқаради. Кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини баҳолашда иложи борича эксперт баҳолаш усулидан камроқ фойдаланиш лозим, бу биринчидан, сўров орқали амалга оширилувчи кўрсаткичлардаги ноаниқликлар бўлса, иккинчидан, тажрибали экспертларни топиш ва танлаб олиш имконияти чегараланганлиги ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда кимё саноатининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида мамлакат кимё саноатининг ривожланиш динамикаси ва ҳозирги ҳолати ўрганилган, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар эконометрик таҳлил қилинган, «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий барқарорлик даражаси баҳоланган.

2020 йилда «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товар маҳсулотлари ҳажми 7 305,6 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 37,1 фоизга ошган, 2010 йилга нисбатан эса 8,9 баробарга ошган. Охирги ўн йилда «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган азотли ўғитлар ҳажми 20,9 фоизга, фосфорли ўғитлар эса 2,5 фоизга ҳамда калийли ўғитлар ҳажми 7 баробарга ошган (1-жадвал).

«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарнинг рентабеллик даражаси охирги 2020 йилда 6 фоизни ташкил этиб, корхоналар иқтисодий барқарорлиги бўйича муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Охирги 10 йилда кредитор ва дебиторлик қарздорликларнинг айланиш даврийлиги 2,7 марта қисқарган. Маҳсулотлар таннархини тушириш бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлиб, 2019 йилда ўтган даврга нисбатан 2,7 баробарга таннархи тушган, 2020 йилда эса 4,4 фоизга тушган. 2020 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш 1831,1 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган 2019 йилга нисбатан 2,3 мартага ошган.

⁵ Муаллиф ишланмаси.

Республикада кимё саноатининг жадал ривожланишини, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уни кейинчалик йирик хориж бозорларига олиб чиқиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил бажариш мақсадида кимё саноати соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

1-жадвал

«Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2010-2020 йиллардаги асосий кўрсаткичлари бўйича маълумот⁶ (млрд.сум)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Товар маҳсулотлари ҳажми	млрд.сўм	981,7	2 193,1	2 333,1	2 743,7	4 179,7	6 298,0	7 305,6
ўсиш суръати	%	106,7	108,0	100,6	95,2	100,0	150,6	115,9
Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш	минг.тонна 100% соф ҳолда	1 134,6	1 234,4	1 225,7	1 141,9	1 170,8	1 216,9	1 370,8
азотли ўғитлар		955,8	942,7	944,7	854,8	848,0	898,3	1 008,3
фосфорли ўғитлар		148,8	148,4	143,0	119,1	140,4	119,5	152,5
калийли ўғитлар		30,0	143,2	138,0	168,0	182,4	199,1	210,0
Экспорт	млн.долл.	242,6	220,6	196,8	227,6	185,4	178,4	279,0
Инвестицияларни ўзлаштириш	млн.долл.	-	222,9	328,6	311,4	467,0	602,8	587,5
Маҳаллийлаштириш	млрд.сўм	-	248,6	317,2	166,5	136,0	806,3	1 831,1
Маҳсулотлар таннархини тушириш	млрд.сўм	-	230,2	325,5	270,8	267,8	723,0	323,2
	%	-	9,2	11,5	10,9	8,6	11,4	4,4
Янги иш ўрни яратиш	сон	-	335	399	626	1 242	1 288	595
Тизим бўйича 1 та ходимнинг ўртача иш ҳақи	минг сўм	-	942,4	1 124,5	1 263,4	1 662,4	2 165,1	2 342,0
Бюджетга тўловлар	млрд.сўм	77,1	169,5	207,6	265,5	370,5	555,0	634,6
Кредитлар бўйича тўловлар:								
хорижий валютада	млн.долл.	25,9	16,1	15,9	30,5	44,5	58,6	153,4
миллий валютада	млрд.сўм	69,1	206,2	229,2	162,8	93,3	213,2	212,1
Дебитор қарздорликнинг айланиш даврийлиги	кун	247	286	317	346	134	48	90
Кредитор қарздорликнинг айланиш даврийлиги	кун	208	351	342	339	136	80	90
1 ишчига ишлаб чиқариладиган товар маҳсулот миқдори	млн.сўм	-	66,9	71,6	89,5	135,4	179,0	274,6
Соф фойда	млрд.сўм	-	-46,3	16,7	14,4	198,5	458,0	587,6
Рентабеллик даражаси	%	-	-2,1 %	0,7 %	0,5 %	4,7 %	8,0 %	6,0 %

⁶ «Ўзкимёсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Бунинг учун стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимини халқаро талаблар ва стандартлар билан уйғунлаштириш, маҳсулотни синовдан ўтказиш бўйича лабораторияларни модернизация ва аккредитация қилиш ишлари олиб борилмоқда. 2020 йил январь-март ойлари якунларига кўра кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарувчи саноатдаги улуши 7,9 %ни ташкил этган, физик ҳажм индекси эса 0,5 %га ошган.

Шунингдек, 2021 йил январь-март ойларида ишлаб чиқариш саноатидаги улуши 8,0 % ни, физик ҳажм индекси 120,5 % ни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 5886,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Технологик жиҳозларни капитал қайта тиклаш ишлари кимё корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини бериб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, метил спирти (2020 йил январь-март ойларига нисбатан 10,1 м.), акрил ва винилполимерлари асосидаги бўёқ ва лак (193,8 %) ҳамда каустик сода (2,0 м.) маҳсулотлари ҳажмида ўсиш кўрсаткичлари қайд этилди. Шунингдек, аммоний сульфат (2020 йил январь-март ойларига нисбатан 63,9 %)да пасайиш кузатилди⁷.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигини тадқиқ этишда кимё саноатининг ривожланиши асосий мезон сифатида олинди. Бунга асосий сабаб иқтисодий барқарорликни бир кўрсаткич билан ифодаловчи ягона кўрсаткич мавжуд эмаслиги ҳамда унинг статистикаси юритилмаганидир. Шунингдек, кимё саноатининг ривожланишини ифодаловчи кўрсаткич сифатида тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини олиш мумкин. Шу боисдан, тадқиқотда кимё саноатига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланиб, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи эконометрик модель ишлаб чиқилди.

Бунинг учун тармоққа бевосита таъсир кўрсатувчи экзоген омиллар танлаб олинди: Ўзбекистон Республикасида кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (млрд.сўм ҳисобида) – *Pchem* (эркли боғланувчи); Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (жорий нархларда, млрд.сўм) – *Ifix*(эрксиз боғланувчи); Ўзбекистон Республикасида саноатга электр энергия истеъмоли (млн. кВт. соат) – *Elec* (эрксиз боғланувчи); Ўзбекистон Республикасида кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар экспорти таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда) – *Exp* (эрксиз боғланувчи); Ўзбекистон Республикасида машина ва асбоб-ускуналар импорти таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда) – *Impma*(эрксиз боғланувчи); Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулоти ҳажми (млрд. сўм) – *Impip*(эрксиз боғланувчи); Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари ҳажми (млрд.сўм ҳисобида) – *Tr* (эрксиз боғланувчи); Ўзбекистон Республикасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми (млрд.сўм ҳисобида) – *Comin*(эрксиз боғланувчи).

⁷ <https://stat.uz/uz/nashrlar-menu/risolalar>

**Ўзбекистон Республикаси кимё саноати корхоналари молиявий-
иқтисодий кўрсаткичларининг кўп омилли регрессион таҳлили
натижалари⁸**


Source	SS	df	MS	Number of obs	=	20
Model	718726367	5	143745273	F(5, 14)	=	1829.92
Residual	1099736.1	14	78552.5788	Prob > F	=	0.0000
				R-squared	=	0.9985
				Adj R-squared	=	0.9979
Total	719826103	19	37885584.4	Root MSE	=	280.27

Pchem	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
Ifix	.2036223	.0222123	9.17	0.000	.1559815 .251263
Exp	132.499	68.15339	1.94	0.072	-13.67548 278.6735
Impip	-.0984228	.0164883	-5.97	0.000	-.1337867 -.063059
Tr	-.2911779	.0443264	-6.57	0.000	-.3862487 -.1961072
Comin	2.335789	.270039	8.65	0.000	1.756613 2.914965
_cons	644.1524	351.5801	1.83	0.088	-109.912 1398.217

Аниқлаган регрессия тенгламаси интерпретация қилинса, Р-квадрат 0,99 га тенг бўлиб, жараённинг 99 фоизини изоҳлай олади, Фишер буйича F-статистика қиймати ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятлидир ($p=0.000$). Шунингдек, Стьюдент тақсимотининг t -мезони бўйича фақатгина Exp да ($p=0.072$), яъни $p=0,1$ қийматдагина аҳамиятли, бошқа омиллар эса статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади (2-жадвал). Ўзбекистон Республикаси кимё саноати корхоналари иқтисодий кўрсаткичларининг кўп омилли регрессон ҳамда SEM-моделлари асосида қўйидаги тенгламага эга бўлиш мумкин:

$$Pchem = 644,15 + 0,203 \cdot Ifix + 132,49 \cdot Exp - 0,098 \cdot Impip - 0,29 \cdot Tr + 2,33 \cdot Comin \quad (2)$$

Аниқлаган регрессия тенгламаси интерпретация қилинса, *ceteris paribus* бўлган ҳолатда, мамлакатимизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг бир бирликка ошиши кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача 0,20 бирликка ошишига олиб келади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси кимё саноати корхоналари молиявий-
иқтисодий кўрсаткичларининг кўп омилли SEM-моделли⁹**

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Stata 16 дастури орқали муаллиф томонидан ҳисобланган.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Stata 16 дастури орқали муаллиф томонидан ҳисобланган

Ўзбекистон Республикасида кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар экспорти таркибининг бир фоизга ошиши мамлакатимизда кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 132,49 бирликка ошишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми бир бирликка ошиши мамлакатимизда кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 2,33 бирликка ошишига олиб келади. Муаллифнинг фикрича, ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулоти ҳажми ҳамда транспорт хизматлари ҳажми тўғрисидаги илмий хулосалар назарий жиҳатдан адекват эмас, шу сабаб бундай омилларни интерпретация қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ўтказилган эконометрик таҳлиллар асосида мамлакатни ривожлантириш йўналишлари аниқланди: мамлакатда кимё саноатига инвестициялар киритишни изчил давом эттириш; кимё саноати маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш; мамлакатда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини янада кенгайтириш ва тармоқни рақамлаштириш. Муаллифнинг фикрича, мамлакатимизда кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлашда айнан шундай йўналишларни танлаб олиш лозим.

Диссертацияда кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигига баҳо берувчи кўрсаткичлар тизимлаштирилган ва таклиф этилган услубиёт асосида «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий барқарорлик даражаси баҳоланган (3-жадвал). Таклиф этилган кўрсаткичлар тизими мамлакат кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини мунтазам мониторинг қилиш, соҳадаги муаммолар ҳамда уни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш имконини беради. Корхоналарда ташкилий барқарорлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Жумладан, кадрлар салоҳияти кўрсаткичлари корхона ишчи ходимларнинг фаоллиги, салоҳияти ва тартибга бўйсунishi ҳамда раҳбар ходим билан ички ўзаро муносабатлар даражаси ёрдамида тавсифланади. Кадрлар салоҳияти меҳнат ресурслари, бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш самарадорлигини акс эттириши лозим. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг асосий вазифаси белгиланган маҳсулотни муайян миқдорда ишлаб чиқариш бўйича меҳнат ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланишдан иборат. Бунда меҳнатни ташкил этиш иш вақтидан унумли фойдаланиш ҳажмини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Шу ўринда «Навоиазот» АЖда иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида муаллиф томонидан корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми таклиф этилган ва корхонада бундай тизимни жорий этиш корхонанинг иқтисодий барқарорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Диссертацияда «Навоиазот» АЖнинг молиявий-иқтисодий барқарорлик даражасига таъсир этувчи кўрсаткичлар баҳоланди ва таҳлил қилинди. Бу кўрсаткичлар асосида «Навоиазот» АЖнинг иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолаш мумкин. Жумладан, таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида «Навоиазот» АЖнинг иқтисодий барқарорлик даражаси 0,49 дан 0,66 гача оралиқда тебраниб турган (3-жадвал).

«Навоиазот» АЖда молиявий-иқтисодий барқарорлик даражасининг ўзгариш динамикаси¹⁰

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари									
Жорий ликвидлилик коэффициенти	0,64	1,13	1,19	1,04	0,69	0,27	0,45	0,47	0,36
Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,48	0,51	0,44	0,34	0,30	0,21	0,28	0,24	0,31
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	1,30	1,14	0,63	0,77	0,82	0,94	0,47	0,11	0,87
Активлар рентабеллиги коэффициенти	0,92	0,94	1,01	1,04	1,07	1,09	1,11	1,17	1,24
Ишчанлик фаоллиги кўрсаткичлари	1,1	1,15	1,17	1,18	1,14	1,1	1,02	1,09	1,11
Корхона мулки ҳажмининг ошиш суръати	0,00	0,00	0,00	0,01	0,01	0,00	0,01	0,07	0,05
Иқтисодий хавфсизлик коэффициенти	0,65	0,86	0,51	0,56	0,57	0,34	0,37	0,25	0,39
Ишлаб чиқариш барқарорлиги кўрсаткичлари									
Ишлаб чиқариш барқарорлиги коэффициенти	1,16	1,25	1,47	1,81	1,90	1,36	1,28	1,46	1,54
Ишлаб чиқариш рентабеллиги	1,12	1,42	1,29	1,28	1,37	1,14	0,90	0,98	0,50
Фонд қайтими коэффициенти	1,14	1,37	1,17	1,21	1,01	0,92	0,79	0,72	0,62
Ишлаб чиқариш барқарорлиги коэффициенти	1,36	1,38	1,25	1,44	1,14	1,06	1,07	1,04	0,90
Кадрлар салоҳияти кўрсаткичлари									
Малакага эга кадрлар коэффициенти	1,02	1,15	1,04	1,21	1,08	1,15	1,04	0,78	1,13
Кадрлар кўнимлиги коэффициенти	0,01	0,012	0,014	0,01	0,008	0,009	0,011	0,01	0,01
Кадрларнинг ички тартиб қоидаларига амал қилиш коэффициенти	0,23	0,15	0,19	0,14	0,13	0,26	0,32	0,19	0,18
Кадрлар салоҳияти коэффициенти	0,27	0,42	0,40	0,45	0,42	0,49	0,31	0,35	0,46
Техник-технологик барқарорлик кўрсаткичлари									
Техника ва технологияларнинг яроқлилик коэффициенти	0,52	0,53	0,56	0,57	0,59	0,87	0,47	0,66	0,81
Асосий воситаларни янгилаш коэффициенти	0,53	0,57	0,61	0,58	0,49	0,36	0,41	0,43	0,0000
Фонд қайтими коэффициенти	0,0001	0,0001	0,0002	0,0004	0,0007	0,0034	0,0084	0,021	0,36
Техник-технологик барқарорлик коэффициенти	0,28	0,30	0,31	0,32	0,38	0,41	0,32	0,30	0,38
Рақобатбардошлик кўрсаткичлари									
Экспорт салоҳияти коэффициенти	0,23	0,27	0,29	0,32	0,25	0,28	0,3	0,34	0,39
Инновацион маҳсулот кўрсаткичи	0,04	0,2	0,25	0,28	0,29	0,36	0,3	0,44	0,52
Рақобатбардошлик кўрсаткичи	0,002	0,0031	0,0034	0,004	0,0019	0,0025	0,0033	0,0039	0,004
Молиявий-иқтисодий барқарорлик даражаси	0,49	0,52	0,46	0,21	0,17	0,04	0,29	0,68	0,66

¹⁰ «Навоиазот» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

2012-2020 йилларда «Фарғонаазот» АЖда молиявий-иқтисодий барқарорлик тўлиқ таъминланмаган бўлса-да, 2019 йилда барқарорлик даражасига яқинлашган. Жумладан, бу кўрсаткич 2020 йилда ўтган йилга нисбатан 30 %га, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимини жорий этишдан олдинги йилга нисбатан эса 2 мартага ошган. Буни асосан корхонада модернизация қилиш, техник ва технологик қуроллантириш чора-тадбирлар ҳамда корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизминини жорий қилиш самарадорлиги билан изоҳлаш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

«Фарғонаазот» АЖда молиявий-иқтисодий барқарорлик даражасининг ўзгариш динамикаси¹¹

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари									
Жорий ликвидлик коэффициенти	0,76	1,47	1,29	1,04	0,63	0,45	0,51	0,50	0,29
Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,47	0,41	0,35	0,29	0,22	0,18	0,19	0,09	0,18
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	1,38	1,48	0,61	0,80	0,73	0,87	0,51	0,29	0,75
Активлар рентабеллиги коэффициенти	0,877	0,86	1,05	1,01	1,01	1,03	1,02	1,06	1,03
Ишчанлик фаоллиги кўрсаткичлари	1,09	1,09	1,11	1,22	1,21	1,08	1,03	1,07	1,08
Корхона мулки ҳажмининг ошиш суръати	0,00	0,00	0,00	0,02	0,003	0,002	0,02	0,07	0,03
Иқтисодий хавфсизлик коэффициенти	0,61	0,88	0,58	0,48	0,36	0,29	0,22	0,18	0,29
Ишлаб чиқариш барқарорлиги кўрсаткичлари									
Ишлаб чиқариш барқарорлиги коэффициенти	1,58	1,56	1,44	1,52	1,68	1,38	1,27	1,37	1,44
Ишлаб чиқариш рентабеллиги	1,19	1,49	1,28	1,47	1,29	1,09	0,87	0,86	0,43
Фонд қайтими коэффициенти	1,13	1,28	1,09	1,18	1,04	0,86	0,64	0,56	0,51
Ишлаб чиқариш барқарорлиги коэффициенти	1,22	1,34	1,24	1,37	1,25	1,09	1,03	1,01	0,89
Кадрлар салоҳияти кўрсаткичлари									
Малакага эга кадрлар коэффициенти	1,01	1,19	1,05	1,16	1,08	1,24	1,01	0,89	1,11
Кадрлар кўнимлиги коэффициенти	0,011	0,09	0,008	0,009	0,009	0,013	0,012	0,011	0,009
Кадрларнинг ички тартиб қоидаларига амал қилиш коэффициенти	0,09	0,08	0,18	0,19	0,16	0,09	0,08	0,07	0,10
Кадрлар салоҳияти коэффициенти	0,27	0,38	0,36	0,45	0,35	0,44	0,28	0,26	0,37
Техник-технологик барқарорлик кўрсаткичлари									
Техника ва технологияларнинг яроқлилик коэффициенти	0,46	0,43	0,46	0,48	0,71	0,98	0,65	0,58	0,74
Асосий воситаларни янгилаш коэффициенти	0,53	0,57	0,61	0,58	0,49	0,36	0,41	0,43	0,0000
Фонд қайтими коэффициенти	0,0000	0,0000	0,0000	0,0000	0,0000	0,0022	0,0048	0,016	0,33

¹¹ «Фарғонаазот» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

4-жадвалнинг давоми

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Техник-технологик барқарорлик коэффициенти	0,33	0,34	0,36	0,35	0,40	0,45	0,35	0,34	0,40
Рақобатбардошлик кўрсаткичлари									
Экспорт салоҳияти коэффициенти	0,04	0,04	0,05	0,06	0,05	0,04	0,045	0,051	0,05
Инновацион маҳсулот кўрсаткичи	0,0009	0,0005	0,0006	0,0006	0,0003	0,001	0,041	0,024	0,013
Рақобатбардошлик кўрсаткичи	0,0000 17	0,0000 175	0,0000 184	0,0000 19	0,0002 1	0,0002 3	0,003	0,004	0,0045
Молиявий-иқтисодий барқарорлик даражаси	0,36	0,52	0,56	0,51	0,46	0,49	0,56	0,71	1,07

Аниқланган натижа тахминан 0 билан 1-2 нинг ўртасида бўлади, натижа бирдан қанча юқори бўлса, корхонада иқтисодий барқарорликни таъминлаш тизими самарадорлиги шунча юқори ҳисобланади. Йиғма кўрсаткич ҳисоблангач, кимё саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлаш даражасини таҳлил қилиш учун тегишли шкала ишлаб чиқилган (5-жадвал).

Кимё саноати корхоналарида иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолаш услубияти «Навоийазот» АЖ ва «Фарғонаазот» АЖда 2012-2020 йиллардаги бухгалтерия маълумотлари асосида апробациядан ўтган, натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Кимё саноати корхоналарида молиявий-иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолаш шкаласи¹²

Интеграл кўрсаткич натижаси	Баҳонинг мазмуни
0 дан 0,40 гача	Таҳликали
0,40 дан 0,69 гача	Паст
0,70 дан 1 гача	Ўртача
> 1	Юқори


Хулоса қилиб айтганда, таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида «Фарғоназот» АЖда иқтисодий барқарорлик даражаси турли йилларда турли хил бўлган ва унга таъсир этувчи омиллар асосан корхоналарда асосий воситалар (иншоотлар, узатиш қурилмалари ҳамда машина ва технологиялар) эскириш даражасининг юқорилиги, корхона соф фойдаси ўзгариши, дебитор ва кредитор қарзлар миқдори, активлар айланувчанлигининг секинлиги, ишлаб чиқариш ва давр харажатлари миқдори юқори бўлганидир.

Шу нуқтаи назардан, истиқболда кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича замонавий усуллар, механизм ва дастакларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш корхоналар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун замин яратади.

Диссертациянинг «**Кимё саноати корхоналари молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида кимё саноати корхоналарида

¹² Муаллиф ишланмаси.

иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш услубиёти таклиф этилган, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми такомиллаштирилган, Ўзбекистон кимё саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш истиқболлари белгиланган, мамлакатимиз кимё саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлаш йўналишлари асосланган.



2-расм. Корхоналарда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ташкилий-иқтисодий механизми¹³

Муаллифнинг фикрича, корхонада иқтисодий хавфсизликни ошириш механизми меҳнат самарадорлигига эришиш, ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятини сақлаш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга

¹³ Муаллиф ишланмаси.

солиш билан бирлаштирувчи корхона яратиш ва зарур шарт-шароитларни шакллантиришдан иборат. Ўтказилган тадқиқотлар ва иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни миқдорий баҳолаш асосида уларни зарарсизлантириш йўналишлари таклиф қилинди. Шу мақсадда ҳар бир блок учун энг муҳим таҳдидлар аниқланди, уларни камайтириш ва зарарсизлантириш бўйича чора-тадбирлар рўйхати ишлаб чиқилди (2-расм).

Таъкидлаш жоизки, хавфсизлик сиёсатининг самарадорлиги унинг барча жиҳатларини тушунишга қодир ташкилот ходимлари ва уни амалга оширишга таъсир кўрсата олувчи менежерларнинг биргаликдаги фаолияти натижаси бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ташкилотда ташқи таҳдидларга қарши хавфсизлик тизимини таъминлаш, ахборот тизимларида тижорат сирларини ҳимоя қилишга сезларлича маблағ сарфланиши мумкин, лекин ички сабаблар, масалан, компания раҳбариятининг малакасизлиги ёки ўзаро тушуниш мавжуд эмаслиги туфайли ички низолар келиб чиқиши мумкин.

